

«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»

«O`ZPARAVTOTRANS»

aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining

2016 йил «___» июндаги умумий йиғилиш

қарори билан

М.Ў.

**«O`ZPARAVTOTRANS»
aksiyadorlik jamiyatining**

«ИЖРО ОРГАНИ ТЎҒРИСИДА» ГИ

Н И З О М И
(ЯНГИ ТАХРИРДА)

Акциядорлик жамиятининг ижро органи тугрисида НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Ўзпаравтотранс» АЖ ижро этувчи органининг макomini белгилайди ва унинг ишини, тайинлаш тартибини, шунингдек ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади. Ижро этувчи орган деганда яққа бошчилик қиладиган ижро этувчи орган, коллегиял ижро этувчи орган, ёлланадиган тижорат ташкилоти (бошқарувчи ташкилот) ёки яққа тадбиркор (бошқарувчи) тушунилади. Акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра ижро этувчи орган ваколатлари шартнома бўйича, шу жумладан танлов асосида тижорат ташкилотига (бошқарувчи ташкилот ёки яққа тартибдаги тадбиркорга (бошқарувчига) берилиши мумкин. Агар жамият уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, шартнома шартлари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

1.2. Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва «Ўзпаравтотранс» АЖ акциядорлик жамиятининг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

II. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

2.1. Жамиятнинг қундалиқ фаолиятига раҳбарлик қилиш **4 (тўрт)** кишидан иборат бўлган коллегиял ижроия орган (бошқарув) томонидан амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбари (бошқарув раиси)ни тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади;

Бунда бошқарув раиси, бошқарув аъзолари ва хорижий менежерлар жамият кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади).

Жамият номидан жамиятнинг бошқарув раиси, бошқарув аъзолари ва хорижий менежерлар билан меҳнат шартномасини жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Бошқарув раиси (хорижий менежер) коллегиял ижроия орган (бошқарув)ни бошқаради.

2.2. Кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгаши қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини янги бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари тайинланишигача булган даврда вақтинча бажариб туришига йул қуйилади.

2.3. Жамият ижроия органи акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил қиладди.

2.4. Жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш кузатув кенгашининг қарорига биноан амалга оширилади.

2.5. Жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлар ва мажбуриятлари «Акциядорлик жамиятлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, бошқа қонун ҳужжатлари, жамият устави томонидан ҳамда у билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги) тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Жамият номидан шартномани кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес режасини бажариш кандай бораётганлиги юзасидан берадиган хисоботлари даврийлиги назарда тутилиши лозим.

2.6. Жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларига туланадиган меҳнат хақи ва бошқа ҳақлар миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, шартномада белгиланиши керак.

2.7. Жамиятнинг бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

2.8. Кузатув кенгаши бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилишга ҳақлидир.

2.9. Кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар жамият уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

2.10. Жамият кузатув кенгаши томонидан жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият ижроия органининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

2.11. Жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларини тасдиқлаш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва хоказо), унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш масалаларини жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал этади.

2.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ижроия органи аъзолари сайланганда, акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакилларининг ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз беришга ҳақли эмас.

III. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА ТАРКИБИ

3.1. Жамиятнинг ижро этувчи органи ваколатига жамиятнинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари қиради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши мутлақ ваколатига ёки Кузатувчи кенгашнинг ваколатига қирган масалалар бундан мустасно.

3.2. Ижро этувчи органнинг сон таркиби бошқарув вазифалари бир ходим томонидан имкони борича кўп бажарилиши, бошқарув аппаратини қисқартириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда бир-бирини тақрорловчи бўғинларнинг тугатилиши ва у билан боғлиқ бошқарув харажатларининг қисқариши принципларидан келиб чиқиб белгиланади.

3.3. Жамиятининг ижро этувчи органига:

— **бошқарув раисининг биринчи ўринбосари, бошқарув расинининг молия масалалари бўйича ўринбосари ва бош бухгалтер қиради.**

3.4. Ижро этувчи орган аъзолари лавозим йўриқномаси томонидан белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат контракти шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, жамият Кузатувчи кенгашининг, ижро этувчи органнинг қарорлари ва ижро этувчи орган раҳбарининг кўрсатмалари доирасида иш тутади.

Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи раҳбари ва аъзоларини моддий рағбатлантириш жамият фаолияти самарадорлигига қараб амалга оширилади.

3.5. Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи раҳбари мазкур Низомга мувофиқ акциядорлик жамияти фаолиятидаги ўзгаришлар ва бошқа ҳолатлар муносабати билан акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи таркибига қўшимча номзодлар бўйича тақлифлар киритиш ҳуқуқига эга.

IV. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИНИНГ РАХБАРИ (ХОРИЖИЙ МЕНЕЖЕР) ВА БОШҚАРУВ

4.1. Ижро этувчи орган рахбари акциядорлик жамияти фаолиятининг барча масалаларини мустакил равишда хал қилади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

4.2. Бошқарув раиси (хорижий менежер)нинг вазифалари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатув кенгашига йиллик бизнес-режа ижроси бўйича, ҳамда ўз ваколатига кирувчи бошқа ишлар бўйича ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

- жамият фаолиятини ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

- жамиятнинг барча таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлигилигини таъминлаш, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилиши, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этиш;

- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тўсиқларсиз тақдим этилиши;

- давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг сақланиши, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса, жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Кузатув кенгаши томонидан белгиланади;

- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

- жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

- меҳнат ва технология интизомига риоя қилиниши, ижтимоий қафолатларга риоя қилинишини таъминлаш ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш;

- жамоа музукораларида ижроия орган вакилларининг иштирокини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

- узоқ муддатли хизмат сафари ва меҳнат таътили вақтини Кузатув кенгаши билан келишиш, ўзи йўқлиги даврида ижро орган рахбари вазифасини бажарувчи тўғрисида Кузатув кенгашига ахборот бериш;

- мазкур Устав ва қонунчилик билан ижроия органи ваколатига киритилган бошқа масалаларни амалга ошириш.

4.3. Бошқарув раиси (хорижий менежер) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари ҳамда меҳнат шартномаси билан бошқарув раиси ваколатига юклатилган жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалаларни мустақил ҳал этиш;
- акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;
- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблагларини тасарруф қилиш;
- шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартнома (контракт)лари тузиш;
- ишончномалар бериш;
- банкларда ҳисоб-китоб счётлари ва бошқа счётлар очиш;
- ўзига бўйсунувчи барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар бериш;
- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш;
- жамоа музокараларида Жамият номидан иштирок этиш ва жамоа шартномаларини тузиш;
- Жамият ходимларини моддий рағбатлантириш;
- Жамият ходимлардан ички меҳнат тартиби, ҳамда жамиятда амал қилаётган бошқа қоида ва тартибларга, шунингдек меҳнат шартномасига риоя қилишни талаб қилиш. Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизомини бузган ҳолатларда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш;
- ходим билан меҳнат шартномаси расмийлаштириш вақтида унинг учун Жамиятнинг хизмат ва тижорат сири деб белгиланувчи ахборотларнинг ҳажми ва таркибини белгилаш;
- мазкур Устав ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

Жамият коллегиал ижроия органи (бошқарув)нинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- Жамият бўлимлари фаолиятини бошқариш, жамиятнинг ишлаб чиқариш-техник хизматларига юклатилган топшириқларни муваффақиятли бажариш. Жорий ва истиқболли юк ташиш режаларининг ишлаб чиқилишини бошқариш, автотранспортларнинг техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш режа-жадвалларининг ва бошқа ишлаб чиқариш-техник хизматларнинг иш-режаларининг тайёрланишига раҳбарлик қилиш;
 - ўз ваколат доирасида ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолият масалалари бўйича буйруқлар чиқариш;
 - меҳнат ва техник интизом (ички меҳнат тартиби қоидалари, устав ва интизом тўғрисидаги низом ва қоидалар)га риоя қилиш;
 - жамиятнинг молиявий-иқтисодий фаолиятига раҳбарлик қилиш.
 - меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришнинг самаралигини ва рентабеллигини оширишга қаратилган жамиятнинг иқтисодий фаолиятини ташкиллаштириш ва такомиллаштириш.
 - лавозим йўриқномаси, меҳнат шартномаси ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 4.4. Жамиятнинг ижроия органини тузиш ҳамда унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият Кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади.
- 4.5. Жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, ушбу уставда ҳамда улар билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

4.6. Жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори, жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

Жамият ижроия органи (бошқарув) хизматига ҳақ тўлаш ҳамда ҳақ ва компенсацияларнинг миқдори жамиятнинг “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

4.7. Жамиятнинг бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

4.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани агар бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

4.9. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

4.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

4.11. Жамият ижроия органи фаолиятини ташкил этиш қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият ижроия органи тўғрисида”ги Низомга асосан тартибга солинади.

V. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИНИНГ ИШ ТАРТИБИ

5.1. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Ижро этувчи орган томонидан Кузатувчи кенгаш ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг фикри ҳақида Кузатувчи кенгашда ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида ижро этувчи орган раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган ижро этувчи орган аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

5.2. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг мажлисини ижро этувчи орган раҳбари ёхуд кўриб чиқилаётган масалалар тегишлилиги бўйича унинг ўринбосарларидан бири олиб боради.

5.3. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи котиби акциядорлик жамияти ижро этувчи органи мажлислари баёнлари юритилишини ташкил этади. Ижро этувчи орган мажлислари баёнларидан кўчирмалар:

мажбурий тартибда Кузатувчи кенгаш раҳбарига ва тафтиш комиссияси раҳбарига;
бошқа мансабдор шахслар ва аудиторларнинг талабига кўра фақат ижро этувчи орган раҳбарининг рухсати бўйича;

амалдаги қонун ҳужжатлари томонидан назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва органларга (шу жумладан давлат органларига) берилади.

VI. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ РАХБАРИ (ХОРИЖИЙ МЕНЕЖЕР) ВА БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Агар бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари акциядорлик жамияти томонларидан бири хисобланган битишувдан молиявий манфаатдор бўлган

тақдирда, у қарор қабул қилинганча ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда қатнашмайди.

6.2. Бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари уларга хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан ўзи меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари манфаатлари йўлида фойдаланмаслиги керак.

6.3. Акциядорлик жамияти бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари акциядорлик жамияти мол-мулкани тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

6.4. Бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари раҳбарлик даврида фаолияти акциядорлик жамияти маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик келтириб чиқарадиган қорхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари акциядорлик жамиятида лавозимга тайинланганда худди шундай қорхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида акциядорлик жамияти Кузатув кенгашини хабардор қилмоғи лозим.

6.5. Акциядорлик жамияти бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ акциядорлик жамиятига етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмида акциядорлик жамияти олдида жавоб беради.

6.6. Жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

6.7. Агар ушбу модда қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

6.8. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб қаида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари устидан судга муқожаат қилишга ҳақли.

Ҳ. ЖАМИЯТ ИЖРО ОРГАНИ МЕҲНАТИГА ҚУЙИДАГИ ҲАҚ ТўЛАШЛАР КўЗДА ТУТИЛГАН.

7.1. Ижро органи меҳнатига ҳақ тўлаш доимий ва ўзгарувчан қисимлардан таркиб топади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгармас қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

Асосий белгиланган иш ҳақи – бу иш ҳақи таркибидаги пул тўлови миқдори бўлиб, компенсация тўловлари, рағбат ва ижтимоий тўловларсиз белгиланган вақтда ижро органи ишчисига меҳнат мажбуриятларини бажарганлик учун ишчига тўланадиган тўлов бўлиб, бу “Ўзбекнефтгаз” МХК томонидан ўрнатилган ягона тариф тизими бўйича тегишли тоифа орқали тартибга олинад.

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш – Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 175-моддасида кўрсатиб ўтилган, тегишли тартибда амал қиладиган тўлов бўлиб, улар қуйидагилар:

- йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ушбу таътидан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;
- ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;
- меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш;

Компенсация тўловлари - Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 174-моддасида кўрсатиб ўтилган, улар жумласига қуйидагилар қиради:

- табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар);
- хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);
- озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар - Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 173-моддасида кўрсатиб ўтилган, улар жумласига қуйидагилар киради:

Йиллик иш якунлари бўйича мукофотлар “Ўзгеобурғунефтгаз” АК таркибига кирувчи ташкилот, жамият ва корхоналарда ишловчи ишчиларини йиллик иш якунлари бўйича мукофотлаш тўғрисида”ги амалдаги низом асосида;

“Ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари бўйича “Ўзпаравтотранс” АЖ нинг раҳбар ходимлари ва ижро органи хизматчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги амалдаги низом асосида рағбатлантиришлар;

“Ўзпаравтотранс” АЖ раҳбар ходимлар ва бошқа ишчиларини иккиламчи қора ва рангли метал тайёрлаш (топшириш) бўйича топшириқларни бажарганлик учун рағбатлантириш тўғрисида”ги амалдаги низомга асосан рағбатлантириш;

Махсус рағбатлантириш тизими ва алоҳида муҳим топшириқларни бажарганлиги бўйича мукофотлар;

“Ўзгеобурғунефтгаз” АК бўлинмалари ишчилари ва ижро аппаратини ишлаб чиқариш жароҳатларисиз, авариясиз, ёнғинсиз ва касб касалликларисиз олиб борган ишлари учун рағбатлантириш тўғрисида”ги амалдаги низомга асосан рағбатлантириш;

Кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар ““Ўзпаравтотранс” АЖ ишчи ва ходимларининг кўп йиллик ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар тўғрисида”ги амалдаги низом асосида;

Давлат байрамлари муносабати билан рағбатлантириш;

2013-2015 йиллар учун жамоат шартномасининг 9.7 бандига асосан таътилга қўшимча тўлов;

“Иш якунлари натижалари бўйича ишчилар, раҳбар ходимлар ва мутахассисларни моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги амалдаги низомга асосан қўшимча ҳақлар;

“Ўзпаравтотранс” АЖ ишчилари, раҳбар ходимлари ва мутахассислари томонидан ишда эришилган ютуқлар бўйича рағбатлантириш тўғрисида”ги амалдаги низом асосида рағбатлантириш.

Моддий наф тарзидаги даромадлар – Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 177 моддасида кўрсатилган тўловлар:

- юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкый ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:
- жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;
- коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;
- санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;
- юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари;

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгармас қисми ҳақиқатда бир ой давомида ишланган соатлар ва амалда бўлган норматив ҳуқуқи ҳужжатлар асосида ҳисобланади.

Ижро органининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан қисми ижро органининг ҳар чораклик ҳисоботи асосида кузатув кенгаши томонидан чиқарилган қарор бўйича ҳисобланади;

Ижро органининг меҳнатини ўзгарувчан қисмига ҳақ тўлашни рағбатлантириш бўйича белгиланган муддатларда қарор қабул қилиш учун Ижро органи режавий кўрсаткичларини ҳисобот даврида бажарилиши бўйича кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради.

Ижро органини хўжалик фаолиятининг асосий натижалари бўйича рағбатлантириш барча прогноз кўрсаткичлари бажарилишига пропорционал боғлиқ ҳолда тўланади.

Ижро органи иш ҳаққини тўлаш бўйича жавобгарлик “Ўзпаравтотранс” АЖ бош ҳисобчиси зиммасига юклатилади.

**«O`zparavtotrans» aksiyadorlik
jamiyati бошқарув раиси в.в.б. _____ Ф.О.Тўраев**

(имзо)

м/ў